

ҚУЙИЧИРЧИҚ ТУМАНЛАРАРО ИҚТИСОДИЙ СУДИНИНГ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ

Қуйичирчиқ тумани

2024 йил 12 январь

Қуйичирчиқ туманлараро иқтисодий судининг судьяси *****нинг раислигида, судья ёрдамчиси *****нинг котиблигида, аризачи вакили ***** (2024 йил 11 январдаги 25-00365-сонли ишончнома) иштирокида *****нинг *****ни соддалаштирилган тартибда тўловга қобилиятсиз деб топиш тўғрисидаги аризаси бўйича ишни иш ҳужжатлари билан биргаликда, *****нинг маъмурий биносига, очик сайёр суд мажлисида кўриб чиқиб,

А Н И Қ Л А Д И:

***** (кейинги ўринларда "Аризачи" деб юритилади) судга ариза билан муурожаат қилиб, ***** (кейинги ўринларда "Қарздор" деб юритилади)ни соддалаштирилган тартибда тўловга қобилиятсиз деб топишни сўраган.

Суд мажлисида иштирок этган аризачи вакили қарздорнинг солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарздорлиги тўланмасдан келинаётганлиги, барча чоралар кўрилганига қарамасдан уни ундиришнинг имкони бўлмаганлиги, ижро ҳужжатлари ундирувчига ижросиз қайтарилганлигини таъкидлаб, қарздорни банкрот деб топишни ҳамда қарздорнинг тугатиш бошқарувчиси этиб *****ни тайинлашни сўради.

Қарздор тегишли тартибда, суд ажрими орқали суд муҳокамасининг вақти ва жойи тўғрисида хабардор қилинган бўлса-да, бугунги суд муҳокамасида иштирок этмади ҳамда ариза юзасидан ўз эътирозларини билдирмади.

Бирок, жавобгарни суд муҳокамасининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тартибда хабардор қилиш мақсадида гибрид почта хизмати орқали у давлат рўйхатидан ўтган манзил бўйича суднинг ажрими юборилган, бироқ почта алоқа хизмати жавобгар қабул қилишдан бош тортганлиги тўғрисидаги маълумотни судга тақдим этган.

Шунга кўра, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 170-моддаси талабига кўра суд ишни қарздорнинг иштирокисиз кўриш мумкин деб ҳисоблайди.

Суд, ишда тўпланган материалларни ўрганиб чиқиб, уларни таҳлил қилиб, ишда иштирок этувчи аризачи тараф вакилининг тушунтиришларини тинглаб, қуйидагиларга асосан аризани қаноатлантиришни лозим топади.

"Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (бундан буён матнда Қонун деб юритилади)нинг 5-моддасига асосан тўловга қобилиятсизлик аломатлари қуйидагилардан иборат:

вақтинча тўловга қобилиятсизлик — агар тегишли мажбуриятлар юзага келган санадан эътиборан уч ой ичида қарздор томонидан бажарилмаган бўлса, шаҳарни ташкил этувчи корхона ҳамда унга тенглаштирилган корхоналар



томонидан эса олти ой ичида бажарилмаса, судга мурожаат этиш санасида қарздорнинг пул мажбуриятлари бўйича кредиторлар талабларини қаноатлантиришга ва (ёки) солиқлар ҳамда йиғимлар бўйича ўз мажбуриятларини бажаришга қодир эмаслиги;

доимий тўловга қобилиятсизлик — агар судга ариза бериш санасидаги ва ариза берилган йилнинг бошидаги ҳисобот даврида, агарда ариза йилнинг биринчи чорагида берилган бўлса, ўтган йилнинг бошидаги ҳисобот даврида қарздорнинг мажбуриятлари унинг активлари қийматидан ошиб кетган бўлса.

Ушбу моддада назарда тутилган қоидалар тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги ишлар соддалаштирилган тартибда кўриб чиқиладиганда, жисмоний шахслар, шунингдек яққа тартибдаги тадбиркорнинг тўловга қобилиятсизлиги тўғрисидаги ишлар кўриб чиқиладиганда қўлланилмайди.

Иш ҳужжатларидан кўринишича, қарздорнинг таъсис ҳужжатлари **2008 йил 30 октябрда 151/1075-сонли тартиб рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган бўлиб, корхона таъсисчиси ***** ҳисобланади, қарздорнинг юридик манзили - Тошкент вилояти, ***** тумани, ***** ҚФЙ** кўрсатилган.

Аризачи томонидан ўрганилганда, **2023 йил 18 декабрь** ҳолатига қарздорнинг солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарзи ***** сўмни ташкил қилиши аниқланган.

Қонун 45-моддасининг иккинчи қисмига кўра давлат солиқ хизмати органининг ҳамда бошқа ваколатли органнинг қарздорга нисбатан тўловга қобилиятсизлик тўғрисида иш кўзғатиш ҳақидаги аризасига қонунчиликка мувофиқ солиқлар ҳамда йиғимлар бўйича қарзни қайтариб олишга доир чора-тадбирлар кўрилганлиги далиллари илова қилиниши керак.

Аризачининг қарздордан солиқ мажбуриятига эга шахснинг мол-мулки ҳисобидан солиқ қарзини ундириш бўйича қабул қилинган қарорлари ижро қилиш учун Мажбурий ижро бюросининг ***** тумани бўлимига юборилган. Мажбурий ижро бюросининг ***** тумани бўлими давлат ижрочиси томонидан “Ижро ишини юритишни тамомлаш ва ижро ҳужжатини ундирувчига қайтариш тўғрисида”ги қарорлари билан “Суд ҳужжатлари ва бошқа орган ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 40-моддаси биринчи қисмининг 3-бандига асосан қарздорнинг ундирув қаратиш мумкин бўлган мол-мулки мавжуд эмаслиги сабабли ижро ҳужжатлари ундирувчига ижросиз қайтарилган.

Қонунчиликнинг умумий асосларига кўра, қарздорнинг ҳозир бўлмаганлиги сифатида нафақат унинг раҳбари йўқлиги, балки хўжалик юритувчи субъект мол-мулкининг йўқлигини ҳам тушуниш лозим. Бу ҳол қарздорнинг мол-мулки мавжуд эмаслиги сабабли ижро ҳужжатини ижросиз қайтариш тўғрисидаги давлат ижрочисининг қарори билан тасдиқланиши мумкин.

Қонуннинг 52-моддасига кўра суд тўловга қобилиятсизликка оид тиклаш тартиб-таомилларидан бирини жорий этиш, келишув битимини тасдиқлаш ёки тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги иш юритишни тугатиш учун асослар мавжуд бўлмаганда суднинг қарздор юридик шахсни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисидаги қарори ушбу Қонуннинг 5-моддаси биринчи қисмида назарда тутилган тўловга қобилиятсизлик қарорлари аниқланган ҳолларда қабул қилинади.



Суднинг қарздор юридик шахсни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисидаги қарорида қарздорни банкрот деб топиш ҳамда тугатишга доир иш юритишни бошлаш, тугатиш бошқарувчисини тайинлаш ва унга ҳақ тўлаш ҳақидаги кўрсатма акс эттирилиши керак.

Қайд этилганларга кўра, суд ариза талабини асосли деб ҳисоблаб, уни қаноатлантиришни, суд харажатларини эса ИПКнинг 118-моддасига асосан қарздор зиммасига юклашни лозим топади.

Қонуннинг 142-моддасига асосан суд қарздорни банкрот деб топиш ҳақида қарор қабул қилаётганда тугатиш бошқарувчисини ташқи бошқарувчини тайинлаш учун назарда тутилган тартибда тайинлайди. Устав фондида (устав капиталида) давлатнинг улуши бўлган корхона банкрот деб топилган тақдирда, ваколатли давлат органи ҳам тугатиш бошқарувчилигига номзод тақдим этиши мумкин.

Қонуннинг 111-моддасига кўра, ташқи бошқарув тартиб-таомилини жорий қилиш ҳақида судга илтимоснома билан мурожаат этиш тўғрисида қарор қабул қилган кредиторларнинг йиғилиши ташқи бошқарувчиликка номзодни маъқуллайди. Ташқи бошқарувчиликка номзод кредиторларнинг йиғилишига ҳар қандай кредитор томонидан ёки ваколатли давлат органи томонидан таклиф этилиши мумкин. Кредиторларнинг йиғилиши томонидан қарор қабул қилишнинг ушбу Қонуннинг 17-моддасида назарда тутилган тартибига мувофиқ кредиторларнинг энг кўп овозини олган шахснинг номзоди судга таклиф этилади. Ташқи бошқарувчиликка номзод кредиторларнинг йиғилиши томонидан тақдим этилмаган тақдирда, суд ваколатли давлат органи томонидан таклиф этилган номзодлар орасидан ташқи бошқарувчини тайинлайди.

Суд аризачи вакилининг судга тақдим этган илтимосномасини қаноатлантириб, **иккинчи** тоифали суд бошқарувчиси аттестатига эга бўлган *******ни** тугатиш бошқарувчиликка тайинлашни лозим топди.

Қонуннинг 51-моддаси иккинчи қисмига кўра, тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги иш бўйича суд ҳужжатлари, агар ушбу Қонунда бошқача қоида белгиланмаган бўлса, дарҳол ижро этилиши лозим.

Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 118, 128, 170, 176–179- ҳамда 186-моддаларига асосланиб, суд

Қ А Р О Р Қ И Л Д И :

Ариза қаноатлантирилсин.

********* соддалаштирилган таомил асосида банкрот деб эътироф этилсин ва тугатишга доир иш юритиш бошлансин.

*********нинг тугатиш бошқарувчиси этиб **иккинчи** тоифали суд бошқарувчиси аттестатига эга бўлган *********нинг номзоди тасдиқлансин.

Тугатиш бошқарувчиси зиммасига:

- ********* тўловга қобилиятсиз деб эътироф этилганлиги ва тугатишга доир иш юритиш бошланганлиги тўғрисида “Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 53-54 ва 143-моддаларида кўрсатилган қоидаларга риоя қилган ҳолда маълумотларни расмий нашрда эълон қилиш;



- “Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 23 ва 144-моддаларида белгиланган барча мажбуриятларини тўлик бажариш:

- тугатишга доир иш юритиш жараёнини қонунда белгиланган тартибда олиб бориш ва оралиқ ҳисоботларни заруратга қараб судга тақдим қилиб бориш, 2025 йил 12 январга қадар эса тугатишга доир иш юритишни тамомлаш тўғрисида ҳисоботни тақдим қилиш юклатилсин.

***** бошқарув органи зиммасига уч иш куни ичида корхонанинг бухгалтерия ва бошқа ҳужжатлари, муҳр ва штамплари, моддий ва бошқа қимматликлари тугатиш бошқарувчисига топширилишини таъминлаш мажбурияти юклатилсин.

***** ҳисобидан Республика бюджетига 1.020.000 сўм давлат божи, аризачи ***** фойдасига 34.000 сўм почта харажати ундирилсин ва бу ҳақда ижро варақалари берилсин.

Мазкур ҳал қилув қарори ишда иштирок этувчи шахсларга, шунингдек Мажбурий ижро бюросининг ***** тумани бўлими ва Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг Тошкент вилоят ҳудудий бошқармасига юборилсин.

Мазкур ҳал қилув қарори устидан бир ойлик муддатда Қуйичирчиқ туманлараро иқтисодий суди орқали Тошкент вилоят суди иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида шикоят (прокурор протест) бериши мумкин.

Судья:

*****-сонли иқтисодий иш

ҚУЙИЧИРЧИҚ ТУМАНЛАРАРО ИҚТИСОДИЙ СУДИНИНГ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН
ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ
(ХУЛОСА ҚИСМИ)

Қуйичирчиқ тумани

2024 йил 12 январь

Қуйичирчиқ туманлараро иқтисодий судининг судьяси *****нинг
ислигида, судья ёрдамчиси *****нинг котиблигида, аризачи вакили *****
24 йил 11 январдаги 25-00365-сонли ишончнома) иштирокида *****нинг



*****ни соддалаштирилган тартибда тўловга қобилиятсиз деб топиш тўғрисидаги аризаси бўйича ишни иш ҳужжатлари билан биргаликда, *****нинг маъмурий биносида, очиқ сайёр суд мажлисида кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 118, 128, 170, 176–179- ҳамда 186-моддаларига асосланиб, суд

Қ А Р О Р Қ И Л Д И:

Ариза қаноатлантирилсин.

***** соддалаштирилган таомил асосида банкрот деб эътироф этилсин ва тугатишга доир иш юритиш бошлансин.

*****нинг тугатиш бошқарувчиси этиб **ИККИНЧИ** тоифали суд бошқарувчиси аттестатига эга бўлган *****нинг номзоди тасдиқлансин.

Тугатиш бошқарувчиси зиммасига:

- ***** тўловга қобилиятсиз деб эътироф этилганлиги ва тугатишга доир иш юритиш бошланганлиги тўғрисида “Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 53-54 ва 143-моддаларида кўрсатилган қоидаларга риоя қилган ҳолда маълумотларни расмий нашрда эълон қилиш;

- “Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 23 ва 144-моддаларида белгиланган барча мажбуриятларини тўлиқ бажариш:

- тугатишга доир иш юритиш жараёнини қонунда белгиланган тартибда олиб бориш ва оралиқ ҳисоботларни заруратга қараб судга тақдим қилиб бориш, 2025 йил 12 январга қадар эса тугатишга доир иш юритишни тамомлаш тўғрисида ҳисоботни тақдим қилиш юклатилсин.

***** бошқарув органи зиммасига уч иш куни ичида корхонанинг бухгалтерия ва бошқа ҳужжатлари, муҳр ва штамплари, моддий ва бошқа қимматликлари тугатиш бошқарувчисига топширилишини таъминлаш мажбурияти юклатилсин.

***** ҳисобидан Республика бюджетига **1.020.000** сўм давлат божи, аризачи ***** фойдасига 34.000 сўм почта харажати ундирилсин ва бу ҳақда ижро варақалари берилсин.

Мазкур ҳал қилув қарори ишда иштирок этувчи шахсларга, шунингдек Мажбурий ижро бюросининг ***** тумани бўлими ва Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг Тошкент вилоят ҳудудий бошқармасига юборилсин.

Мазкур ҳал қилув қарори устидан бир ойлик муддатда Қуйичирчик туманлараро иқтисодий суди орқали Тошкент вилоят суди иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида шикоят (прокурор протест) бериши мумкин.

Судья:



*****-сонли иш

СУД МАЖЛИСИ БАЁННОМАСИ

Қуйичирчиқ тумани

2024 йил 12 январь

Қуйичирчиқ туманлараро иқтисодий судининг судьяси *****нинг раислигида, судья ёрдамчиси *****нинг котиблигида, аризачи вакили ***** (2024 йил 11 январдаги 25-00365-сонли ишончнома) иштирокида *****нинг *****ни содалаштирилган тартибда тўловга қобилиятсиз деб топиш тўғрисидаги аризаси бўйича ишни иш хужжатлари билан биргаликда, *****нинг маъмурий биносида, очик сайёр суд мажлисида кўриб чиқмоқда.

Раислик қилувчи суд мажлисини очиб, қандай иш кўрилишини эълон

ИДИ.

Судья ёрдамчиси, суд мажлисига таклиф қилинган тарафлардан:



Аризачи: *** ишончли вакили ***** (2024 йил 11 январдаги 25-00365-сонли ишончнома) иштирок этаётганлиги юзасидан раислик этувчига ахборот берди.**

Қарздор тегишли тартибда, суд ажрими орқали суд муҳокамасининг вақти ва жойи тўғрисида хабардор қилинган бўлса-да, бугунги суд муҳокамасида иштирок этмади ҳамда ариза юзасидан ўз эътирозларини билдирмади.

Бироқ, иш ҳужжатларида суд маҳокамаси тайинланганлиги тўғрисида тегишли тартибда хабардор қилинганлигини тасдиқловчи ҳужжат мавжуд.

Раислик этувчи ишда иштирок этувчи тараф вакилига суд таркибини, суд мажлиси котибини маълум қилди, суд таркибига, суд мажлиси котибига раддиялар бор йўқлигини сўради ҳамда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 42-моддасида назарда тутилган тарафларнинг процессуал ҳуқук ва мажбуриятларини, суд мажлисини олиб бориш тартибини тушунтирди.

Ишда иштирок этувчи тарафлар вакиллари томонидан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 20-моддасига кўра суд таркибига, суд мажлиси котибига раддия билдирилмади, шунингдек суд мажлисини Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 10-моддасига кўра давлат тилида олиб борилишига келишиб олинди.

Раислик этувчи ишда иштирок этувчи шахслардан суд текширувига қўшимча ҳужжатлар ва илтимосномалар бор-йўқлигини сўради.

Ишда иштирок этувчи шахслардан қўшимча ҳужжат ва илтимосномалар тақдим этилмади.

Раислик этувчи суд мажлисини олиб бориш ва далилларни текшириш тартибини белгилади.

Раислик этувчи иш бўйича далилларни текширишга ўтди.

Раислик этувчи сўзни аризачи: *** ишончли вакили *****га берди.**

Суд муҳокамасида аризачи: *** ишончли вакили *****:**

*- аризадаги вазларни қўллаб-қувватлаб, қарздорнинг солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарздорлиги тўланмасдан келинаётганлиги, барча чоралар кўрилганига қарамасдан уни ундиришининг имкони бўлмаганлиги, ижро ҳужжатлари ундирувчига ижросиз қайтарилганлигини таъкидлаб, қарздорни банкрот деб топишни ҳамда қарздорнинг тугатиши бошқарувчиси этиб *****ни тайинлашни сўради.*

Суд, ишда иштирок этувчи аризачи тараф вакилининг тушунтиришларини тинглаб, ишдаги мавжуд далиллар ҳамда аризачи вакили тақдим этган маълумотнома билан танишиб, суд музокарасини бошлашдан олдин аризачи вакилида қўшимча ҳужжатлар ва(ёки) илтимосномалар бор-йўқлигини сўради.

Қўшимча ҳужжатлар ва(ёки) илтимосномалар бўлмади.



Суд музокарага ўтди.

Аризачи вакили: аризани қаноатлантириб беришни сўради.

Раислик этувчи маслахатхонада қолди.

Орадан маълум вақт ўтгач, раислик этувчи маслахатхонадан чиқиб, қабул қилинган ҳал қилув қароринининг хулоса қисмини ўқиб эшиттирди ҳамда суд мажлиси баённомаси билан танишиш ҳуқуқи ва қабул қилинган ҳал қилув қароридан норози тарафлар Қуйичирчиқ туманлараро иқтисодий суди орқали Тошкент вилоят суди иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида шикоят (прокурор протест) келтириши мумкинлигини тушунтирди. Шунингдек раислик қилувчи томонидан ишда иштирок этаётган шахсларга қабул қилинган ҳал қилув қарорининг мазмун-моҳияти тушунтириб берилди.

Раислик қилувчи суд мажлисини ёпиқ деб эълон қилди.

Баённома Ўзбекистон Республикаси ИПКнинг 201-моддаси талаблари асосида тузилди.

Раислик этувчи, судья:

Судья ёрдамчиси:

